

# МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЙ



***Илимий-методикалық журнал***

---

**2024**

**3/3-сан**

*Озбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жасындағы  
Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының  
25.10.2007 жыл (№138) қарапы менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлигі тәрепинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.  
№01-044-санлы гүйалық берилген.*

Нөкис

**3/3-сан 2024**

**июнь**

**Шолкемлестириүшилдер:**

**Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендирүү Министрлиги,  
ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы**

**Редактор:**

**А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**

Маңсет АЙЫМБЕТОВ  
Нагмет АЙЫМБЕТОВ  
Айтмурат АЛЬНИЯЗОВ  
Сапардурды АБАЕВ  
Адхамжон АБДУРАШИТОВ  
Хайрулла АЛЯМИНОВ  
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ  
Алишер АЛЛАМУРАТОВ  
Дилшодхұја АЙТБАЕВ  
Интизар АБДИРИМОВА  
Тұлқин АЛЛАЁРОВ  
Мариғжон АХМЕДОВ  
Умида БАҲАДИРОВА  
Фарҳад БАБАШЕВ  
Ботир БОЙМЕТОВ  
Гулзода БОЙМУРОДОВА  
Шахло БОТИРОВА  
Маманазар ДЖУМАЕВ  
Асқар ДЖУМАШЕВ  
Мухтар ЕРМЕКБАЕВ (Шымкент,  
Қазақстан)  
Алишер ЖУМАНОВ  
Гүлнара ЖУМАШЕВА  
Холбой ИБРАГИМОВ  
Шохида ИСТАМОВА  
Умида ИБРАГИМОВА  
Лола ИСРОИЛОВА  
Алима КЕНЖЕБАЕВА (Тараз,  
Қазақстан)  
Ярмухаммат МАДАЛИЕВ (Шымкент,  
Қазақстан)  
Меруерт ПАЗЫЛОВА  
Асқарбай НИЯЗОВ  
Сабит НУРЖАНОВ  
Захия НАРИМБЕТОВА  
Хушбоқ НОРБҮТАЕВ  
Улфат МАҲКАМОВ

Уролбой МИРСАНОВ  
Сафо МАТЧОН  
Шукурилло МАРДОНОВ  
Камаладин МАТЯКУБОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Барлықбай ПРЕНОВ  
Раъно ОРИПОВА  
Бахтиёр РАХИМОВ  
Фурқат РАЖАБОВ  
Муқаддас РАХМАНОВА  
Светлана СМИРНОВА (Москва, Россия)  
Дилшода САПАРБАЕВА  
Феруза САПАЕВА  
Зайниддин САНАҚУЛОВ  
Мухаббат САЛАЕВА  
Қаҳхор ТУРСУНОВ  
Амина ТЕМИРБЕКОВА  
Нурзода ТОШЕВА  
Куанишбек ТУРЕКЕЕВ  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Амангелди УТЕПБЕРГЕНОВ  
Мамбеткерим ҚУДАЙБЕРГЕНОВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Вохид КАРАЕВ  
Гулмира ҚАРЛЫБАЕВА  
Ризамат ШОДИЕВ  
Зафар ЧОРШАНБИЕВ  
Рустам ФАЙЗУЛЛАЕВ  
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Тармиза ХУРВАЛИЕВА  
Умид ХОДЖАМҚУЛОВ  
Жавлонбек ХУДОЙБЕРГЕНОВ  
Гулрухсөр ЭРГАШЕВА  
Гавхар ЭШЧАНОВА  
Қонысбай ЮСУПОВ



Nizomxonov S.E. O'quvchilarning axborot kompetentligini rivojlantirishning pedagogik muommolari .....	551
Alimov S.Kh., Nurmonova E'U., Bakhridinova A.D., Almuratov F.M. The Morse's Lemma and some of its applications .....	558

## БАСЛАЙШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

Nagmetova N.M. Baslawish klaslarda tarbiya pánin oqitiwdiň ilimiyyet-metodikalıq tiykarları .....	565
Jumasheva G.X., Ablyakimova R., Haytimbetova Sh.F. Balalarda ilimiyyet dýnya kózqarasti qáliplestirüwdiň social - pedagogikalıq tiykarları .....	570
Халиков А.А., Ортикова Д.М. Ўқитувчининг касбий тайёргарлигига нотиқлик қобилиятининг ахамияти .....	575
Muhammadiyeva F.T. Qadriyatlar nazariyalari asosida bolalarni ma'naviy axloqiy tarbiyalashning tarixiy tahlili .....	581
Azamatova D.Sh., Xolmirzayeva M.A. Maktabgacha yoshdagı bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashning ahamiyati .....	585
Shukirullaeva S.A. Kompetentsiyaviy yondashuv asosida boshlang'ich sinf o'quvchilarining kommunikativ ko'nikmalarini rivojlantirish .....	590
Radjapova G.M. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida maktabgacha yoshdagı bolalarning ijodiy faoliygini shakllantirish .....	595
Ibragimova M.S. Boshlang'ich sinf o'qituvchilarining kommunikativ nutq madaniyatini shakllantirish .....	600
Қайнарова И.В. Бошланғич синф ўкувчilarinin ўкув - билиш фаолигини ривожлantirişda эвристик таълим ва ижодкорлик .....	605
Sariqboyeva Z.Ya. Bo'lg'usi tarbiyachilarining bolalar adapiyoti bilan ishlashda kitoblardan foydalanishga tayyorligi tushunchasi .....	612
Allayarov M.J. Boshlang'ich sinf o'quvchilari jismony tarbiya darslarida milliy harakatlari o'yinlardan foydalanishning muhim omillari .....	617
Pirniyazova Sh.O. Boshlang'ich sinflarda nazariy ma'lumotga qiziqish uyg'otish .....	624
Rajabova M.T. Maktabgacha ta'lim yoshdagı bolalarda milliy g'urur va iftixon tuyg'ularini shakllantirishda xalq og'zaki ijodi namunalarining o'rni .....	630
Irisboyeva Yo.O'. Bolalarda to'plam haqidagi g'oyalarni rivojlantirishning o'ziga xosligi .....	636
Tajbenova S.S. "Ona tili" fanidan davlat ta'lim standarti va o'quv dasturlarida lingvistik kompetensiyaga doir talablar .....	641
Sariqboyeva Z. Maktabgacha ta'lim muassasalarida nasriyi va she'riy asarlar ustida ishlashdagi o'ziga xosliliklar .....	647
Niyozova M.N. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ishbilarmonlik o'yinlaridan foydalanishning o'ziga xos xususiyatlari .....	651
Allayarov M.J. Maktabgacha yoshdagı bolalarning tezlik qobiliyatini rivojlanishining o'ziga xos xususiyatlari .....	656
Norbota'yev X. B. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida tabiatga oid variativ tushunchalarni shakllantirish metodikasi .....	661
Irisboyeva Yo.O'. Maktabgacha yoshdagı bolalarning predmetlar miqdorini idrok qilish, esda olib qolish va taqqoslash ko'nikmalarini shakllantirish .....	667
Xudoyberdiyev G.B. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini sog'lom turmush tarzi ko'nikmalarini rivojlantirish .....	673
Ismoilova S.A. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining lug'atini boyitishda interfaol metodlardan samarali foydalanish .....	679
Berdiyeva M.M., Muratova D.E. Maktabgacha yoshdagı bolalarning rivojlanishida syujetli-rolli o'yinlarning ahamiyati .....	685
Musayev A.Sh. Chaqaloqlar eshitish qobiliyatini tekshirish usullari .....	690
Ishmatova O.S. Alohida ehtiyojli boshlang'ich sinf o'quvchilarining nutqini rivojlanishda fonetik ritmikadan foydalanishning dolzarbligi va zarurati .....	699
G'afforova X.Ya., Shamsiddinova D.B. Katta maktabgacha yoshdagı bolalarni steam texnologiyalaridan foydalanishning pedagogik shartlari .....	706
Utegenova D. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida nutq madaniyatini shakllantirish asoslari .....	713



## БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚУВ-БИЛИШ ФАОЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭВРИСТИК ТАЪЛИМ ВА ИЖОДКОРЛИК

**Қайнарова И. В.**

*Чирчик давлат педагогика университети  
Умумий педагогика кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** эвристик таълим, эвристик функция, ижодий фаолият, фаолият, фикрлашнинг мослашувчанлиги, танқидийлик, ривожланиш, ўқув-билиш фаолиги.

**Ключевые слова:** эвристическое воспитание, эвристическая функция, творческая активность, активность, гибкость мышления, критичность, развитие, учебная деятельность.

**Key words:** heuristic education, heuristic function, creative activity, activity, flexibility of thinking, criticality, development, educational activity.

Ўқишининг мақсади - ёш авлодни иш билан боғлиқ бўлган мустақил ҳаётга тайёрлаш, ижодкорлик ва ташаббускорлик билан тўлдирилган, лойиха усулидан фойдаланган ҳолда ва уларни амалда мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш орқали иш қобилиятлари ва қобилиятларини ошириш, синф, синфдан ташқари ишлар орқали ўрганилаётган фанга барқарор қизиқиши шакллантириш.

Ўзбекистон Республикасида шаклланган узлуксиз таълим тизими баркамол шахс ва малакали мутахассисни тайёрлаш жараёнининг самарали ташкил этилишини таъминлашга хизмат қиласди. Узлуксиз таълим тизимида эвристик таълим технологиялари асосида бошлангич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш фаолигини ривожлантириш танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш компетенциялари ҳамда малакаларининг ривожланишига алоҳида урғу беришни ҳисобга олган ҳолда, замонавий инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш муаммолари бугунги кун вазифаларидан бирига айланмоқда.

Хозирги кунда таълим жараёнида баркамол шахсни тарбиялаш, умумий ўрта таълим фаолиятига қўйилаётган ижтимоий буюртма илфор хорижий



тажрибалар билан уйғунлаштирилмаганлиги ҳамда таълим мазмунини янгилаб бориш зарурати; замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ни кенг қўллаш орқали болаларни индивидуал ривожлантиришга қаратилган дастурлар ва услубий материаллар, ўқувчилар интелектуал фаолиятини ривожлантириш етарли даражада таъминланмаганлиги; ўқувчилар эгаллаётган амалий кўникмаларининг ижтимоий фаолиятда талаб этиладиган кўникма ва малакалар даражасига мувофиқ эмаслиги тадқиқ этилаётган муаммонинг долзарблигини белгилайди.

Жаҳон бозорида технологик жиҳатдан илгор, билим талаб қиласидаги, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган давлатнинг замонавий сиёсати ёш авлод эгаллаши лозим бўлган вазифаларга янги вазифалар кўйган ҳолда ўқув жараёнини қайта кўриб чиқишга замин яратмоқда. Ушбу тенденцияларнинг намоён бўлиши кенг технологик паркларни очища, технологик ишлаб чиқаришга йўналтирилганликда, давлат иқтисодиётини ривожлантириш дастурларини тасдиқлашда ва натижада умумий ўрта таълимни модернизациялашнинг шаклланган контсепциясида намоён бўлади. Таълимни модернизациялашнинг асосий мақсади меҳнат бозорида ракобатбардош, жаҳон стандартлари асосида самарали ишлашга қодир, ижодий ўсишга тайёр, ҳар кимнинг тегишли маълумот олиш эҳтиёжларини қондидиган малакали мутахассисни тайёрлашдан иборат.

Шундай қилиб, таълим йўналиши ўзгарди: тўплаш функциясидан (ўқувчининг маълум бир билим даражасини шакллантириш учун) янги билимларни ўзлаштира оладиган, замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда мослаша оладиган ва ўқищдан кейин ривожланишини давом эттиришга имкон берадиган ҳамда узлуксиз ривожланиш нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган шахсни ривожлантириш функциясига айланмоқда.

Ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг асосий мақсади ўқувчиларнинг эътиборини жалб қилиш, таълим муаммоларини ҳал қилиш ва олинган билимларни кейинчалик қўллашда қизиқишиларини оширишдан иборат.

Шундай қилиб бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш фаоллигини ривожлантиришда “Эвристик таълим” технологияларидан фойдаланиш ўқувчилар танқидий фикрлаш ва ахборотларни мустақил излаш кўникмаларини шакллантиришда муҳим воситага айланмоқда. Ўқитишнинг кўплаб инновацион усуллари орасида эвристик таълим ажраби туради, унинг прототипи юонон олим Сукрот томонидан яратилган саволлар ва мулоҳазалар усули, бошқача қилиб айтганда “Сукрот кинояси” деб номлаган усуллардан фойдаланиш. Маълумки, қадимги юонон файласуфи ўз шогирдларини диалог методи орқали илмий фаразларни хақиқий хукмга олиб борган. Бунда у аввалига умумий савол берди ва жавоб олгач,



яқуний жавобни олгунча аниқлаштирувчи саволни қайта киритди ва ҳоказо [2].

Замонавий педагогиканинг тобора мослашувчан бўлиб бориши ўқитувчиларга жуда қўплаб методлардан фойдаланиш имконини беради.

Ўқитишнинг энг машхур инновацион усулларидан бири бу эвристик таълим. Эвристик юонча Heuristic дан таржима қилинганда – “мен очаман”, “топаман” деган маъноларни англатади. Эвристик таълим-бу ўқувчининг ўз фаолиятини белгилашда, мақсадларини ҳосил қилиш шаклида, таълимнинг мазмуни ва уни ташкил этиш жараённида диагностика ва хабардорликни шакллантиришга қаратилган. Ўқувчининг шахсий тажрибаси таълимнинг таркибий қисмига айланади ва ўқув мазмунини яратилишига асос бўлади.

Эвристик таълимнинг ажралмас мақсади ўқувчига таълимнинг ўзига хос мазмуни, мақсадлари ва ижодий шаклланишига ёрдам беришdir.

Эвристик фаолият қўпинча ижодий фаолият билан боғлиқ бўлиб бунда таълим маҳсулотларини яратишнинг ижодий жараёнини ўз ичига олади. Эвристик фаолият ташкилий, психологик, услугбий, ижодий ва когнитив фаолиятни таъминлади [2].

Ўқувчининг ижодий фаолияти натижаси умуман олдиндан айтиб бўлмайдиган фаолият туриларидан бири бўлиб, қоида тариқасида натижа ўқувчининг шахсиятига боғлиқ.

Эвристик таълимнинг яқуний мақсади аниқ билимларни олиш эмас, балки ўқувчининг ижодий ўзини ўзи англаш ҳисобланади. Шунга кўра, боланинг маълум бир фан бўйича маълум билимларни ўзлаштириши эмас, балки унинг ушбу соҳадаги ижодий ютуқлари баҳоланади.

Хозирги кунда эвристик таълим кўпинча муаммоли таълим билан аралашиб кетади, аммо бу методлар ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. Когнитив вазифага кўра ўқитувчи муаммоли таълимда болага қўядиган муаммо, аниқ ечим ёки ҳеч бўлмагандан ечим йўналиши мавжуд бўлади. Эвристик таълимдаги очиқ вазифа тўғри ечимни ўз ичига олмайди ва натижа ҳар доим ҳам ўқувчи ёки ўқитувчи учун олдиндан айтиб бўлмайди [3].

Муаммоли таълимнинг вазифаси ўқитувчининг тажрибасини ўқувчига ностандарт тарзда, масалан, когнитив муаммони шакллантириш орқали берилади. Эвристик таълим ўқувчи томонидан шахсий тажрибани яратишни назарда тутади. Бундай шароитда муаммоли таълим эвристик таълимга тайёргарлик босқичи бўлиб хизмат қиласи, яъни ўз маҳсулотини яратишдан олдин ўқувчи уни қандай яратишни ўрганиши лозим бўлади. Бу унга когнитив муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Эвристик таълим деярли ҳар қандай умумтаълим фанини ўқитишда қўлланилиши мумкин бўлиб асосийси юқори сифатли очиқ вазифани яратади.



тишдан иборатдир. Табиийки, эвристик таълим анъанавий таълим ўрнини тўлиқ эгаллай олмайди, лекин у ўқувчининг ижодий қобилиятини ривожлантириш учун анъанавий усулларга қўшимча сифатида фойдаланиш имконини яратади. Ўқувчига билимларни мажбуран ўзлаштириш эмас аксинча мустакил равишда амал ва ҳато, ҳато ва синов тариқасида эгаллашга имкон беради [4].

Таълимни бу таҳлитда ташкил қилишда олинадиган билимларнинг ҳажми бирламчи аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчиларнинг изланувчанлиги, таълимий жараёнларга йўналганинги мухим хисобланади. Бундай ёндашув таълим жараёнида маҳсулдор фаолиятни шаклланишига олиб келади. Шу сабабли ўқитишини жадаллаштириш мақсадида таълим методларини ўзгартириб бориш, билим олишга бўлган мотивацияни босқичма-босқич ошириб бориш зарур.

Шахсни ривожлантирувчи тизимда эвристик метод ўқувчиларнинг муаммо ечимини топишга қаратилган фаолиятини ташкиллаштиришга қаратилади. Бундай фаолият жараёни эвристик таълим технологиялари асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш фаолигини ривожлантиришни тадқик қилишнинг мантиқий қонуниятлари билан муштарак бўлиб, у таълим олишнинг нафақат назарий, балки эмпирик даражаси билан ҳам тавсифланади.

Далил ва рақамлардан келиб чиқиб илмий фаразлар қабул қилишга ўтишда, шунингдек, назарий хulosалардан амалий синов ишларига ўтишда илмий интуиция ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Интуиция, унинг мантиқ билан боғлиқлиги, ижодкорлик гояларининг келиб чиқишида тутган ўрнини белгилашдаги муаммолар мураккаб бўлиб, уни ҳозиргача тўла ҳал қилинмаган дейиш мумкин. Адабиётларда интуицияга берилган таърифларни таҳлил қилиб чиқдик, жумладан психологияк лугатда “Мантиқан боғланмаган ёки мантиқий хulosса чиқариш учун етарли бўлмаган вазиятда масала ечимини топиш билан боғлиқ жараён эвристик жараён” деб таърифланади [5]. Ушбу ва бошқа адабиётларда келтирилган таърифлардаги интуиция табиатини, унинг ҳосил бўлувчи асосини тадқиқот нуқтаи назаридан талқин қилган ҳолда интуицияни – субъект томонидан ўзига фикран қўйиладиган савол ва муаммоларга тўпландиган тажриба ва билимлар асосида англанмаган ҳолатда юзага келувчи жавоблар, деб қарадик [5].

Интуитив фикрлашга асосланган ижодкорлик масалаларини тадқиқ қилиш методи эвристик методлар гурухи деб аталади. Ижодкорлик масалаларини ечиш методлари Л.В.Александров, Г.С.Альтшуллер ва бошқалар томонидан ўрганилган бўлиб, улар ўз тадқиқотларида эвристик ҳамда таҳлилий методлар гурухини ажратиб қўрсатадилар [3]. Эвристик метод воси-



тасида ижодкорлик масалаларини ечишга аńанавий ёндашиш қуидаги тартибда амалга оширилади: муаммодан келиб чикувчи масала шартларини аниқлаш; хусусий ҳол учун муаммони таҳлил қилиш ва мақсадни шакллантириш; масалани ҳал қилиш режасини тузиш; режани амалга ошириш ва масалани қисман ҳал қилиш; топилган ечимларни мақсадга мувофиқлигиги үрганиш ва мақбулини танлаш.

Ижодкорлик масалаларини ечишнинг аналитик методи муаммо ечи мини топиш учун унинг математик моделини қуришни назарда тутади. Бунда ечим аниқлиги объект ёки жараён кўрсаткичларининг уни үрганиш учун ишлаб чиқилган модель кўрсаткичларига мутаносиблик даражаси билан баҳоланади. Ижодкорлик масалаларини тадқиқ қилишнинг келтирилган методлар гурӯхини ўқувчилар фаолиятига мослаш учун уларни амалга ошириш йўлларини соддалаштириш, иккала гурӯхга тегишли методлардан иборат умумий мажмуя сифатида фойдаланиш лозим.

Ўқувчилар ижодкорлик сифатларини шакллантиришга оид илмий-назарий ишлар таҳлилига хулоса қилиб айтиш мумкинки, тадқиқотчилар томонидан ижодкорлик фаолиятининг умумий жиҳатлари, амалга оширилиш даврлари, методлари ҳамда фикрлаш жараёни хусусиятларига оид тадқиқотлар ўтказилган. Бироқ, уларда ижодкорлик фаолиятини амалга оширувчи шахс сифатлари, ахборот таъминотини такомиллаштириш йўллари, шахсни ижодкорлик фаолиятига тайёрлаш босқичлари ягона тизим ҳолатида ўрганилмаган. Ижодкорлик фаолиятининг амалдаги ҳолатига кўра қайд этиш мумкинки, янги техник ечимни ишлаб чиқиш учун талаб этилувчи энг янги ахборот, маълумот ва билимларни жамлаш, қайта ишлаш ва қабул қилишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилмасдан туриб соҳани жаҳон талаблари даражасида ривожлантириб бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, узоқ йиллар мобайнида шахснинг ижодий потенциалини интеллект коэффициенти орқали аниқлаш мумкин, деган фараз амал қилас эди. Бироқ бу назариянинг асоссизлиги исботланди. Ҳозирги даврда ижодий қобилиятни баҳолаш учун креативлик коэффициенти киритилди. Тадқиқотларда ечимни топиш тезлиги, муаммони ечишга эришиш, доим номаълумни топиш, интеллектуал мақсадга эришиш каби табиий жараёнлар шахсда ижодий қобилият мавжудлигининг белгиси эканлиги асослаб берилган [5].

Бу омиллар яхлитликни, ўзаро узвий бирликни, қобилиятнинг интегратив таркибини ташкил қиласди. Д.Б.Богоявленскаянинг фикрига кўра, ижодий қобилиятни үрганиш учун шундай бирликни белгилаш керакки, бунда бу бирлик ижодкор шахснинг билиш ва асослаш хусусиятлари лаҳзалари-



нинг йигиндисини акс эттирсин. Бундай бирлик сифатида интеллектуал фаоллик қаралиши мумкин [6].

Д.Б.Богоявленскаяниң назариясига биноан, интеллектуал фаолликнинг учта даражаси мавжуд [6]:

**Репродуктив.** Юқори чегараси – қизиқиш, қуйи чегараси – синалаётган одамнинг вазифага нисбатан сустлиги. Ўзлаштирилган ҳолатлар тарзи чегарасидан, доирасидан чиқадиган умумий хуносалар қарийб йўқлиги.

**Эвристик.** Фаолиятни такомиллаштиришга интилиш пайдо бўлади, ечимнинг янги усусларини қидиришга, топишга нисбатан мойиллик (интилиш) вужудга келади.

**Креативлик.** Бу интеллектуал фаолликнинг юқори даражаси бўлиб, унинг ёрдамида вазифани йўлга қўйишдаги ташаббус, назарий умумий хуносалар, ўзаро боғлиқликлар, сабаб-оқибатлар аниқланади.

Е.Г.Ромицина фикрига кўра «парадокслар соясида яшаш» (ижодий вазијатнинг юзага келиши, муаммони англаш, борлиқдаги қарама-қаршиликларни билиш), «боғлаб бўлмайдиганни боғлаш» (эвристик этап – ғояларнинг туғилиши, тафаккур, янгининг синтези), «текшириб кўр, асос мустаҳкамми?» (тугаллаш босқичи – янгини асослаш, назорат ва амалга ошириш, ташибик) каби мулоҳазалар ижодкорлик фаолияти босқичларининг ўзига хос тавсифи ҳисобланади. Мутахассислар томонидан берилган ижодкор шахс сифатлари рўйхатида муҳим ўринни қўйидагилар эгаллайди: ноанъанавийда ноанъанавийни кўра олиш укуви, одатийга ўзгача нигоҳ билан қарай олиш санъати, номутаносибликларни илғай олиш, янгини ҳис қила олиш, қарама-қаршиликлар билан ёнма-ён юра олиш, ҳазил-мутойиба ҳиссига эга бўлиш, интуиция, ўткир ақл, ақлий ҳаракатчанлик, тафаккур эркинлиги ва жасорат, ғояларни синтез ва анализ қилиш қобилияти, ўз фикрида тура олиш, таваккалчиликка бора олиш [4].

Бошланғич ва алгоритмик характердаги даражалар продуктив (ижодий) билим ва қўникмаларни аниқлаш учун мезон вазифасини ўтайди. Ўзлаштиришнинг ушбу даражаларини аниқлашга ёрдам берувчи технологик жараённи ижрочи технология деб аташ мумкин[4]. Ўқув материалини эсда сақлаб қолиш ҳамда қўникмаларни ҳосил қилишга йўналтирилган фаолият даражаси ўқувчиларнинг репродуктив ва продуктив фаолиятларини ўйғунлаштиришни талаб қиласди. Мазкур ҳолат ўқув жараёнини ташкил этишга муаммоли ривожлантирувчи технологияни тадбиқ этилиши билан амалга ошади. Ушбу технология асосида таълим жараёнини ташкил этиш таълим олувчиларни ўқув материалини таҳдил қилиш, машғулотларда ўз мустақил фикрлари билан қатнашиш, мунозара ҳамда ишчанлик ўйинларида фаол иштирок этишга ўргатиши лозим.



Таълим жараёни эвристик ва ундан кейинги ижодий даражаларга эришганида, юқори даражадаги муаммоли, муаммоли-ривожлантирувчи таълим, вазиятларни таҳлил қилувчи топшириқлар, ишчанлик ўйинлари каби методлар, шунингдек, мустақил ишлар, муаммоли ўқув топшириқларидан фойдаланиш мумкин.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Марказий Осиё худудидаги янги маърифатпарварлик оқими намояндалари М.Беҳбудий, А.Фитрат, X.Х.Ниёзий каби педагоглар ўзларининг янги усулдаги мактабларида илк бор ёшлар ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг эвристик усулларини татбиқ қилдилар. Моҳир педагог Фитрат ақлий тарбиянинг ўқиши-ўрганиш орқали амалга ошишини таъкидлайди ва бунда табиатан инҳом этилган - фитрий ва илм воситасида ҳосил бўлувчи - касбий (комил) ақлни ажратиб кўрсатади. У таълимда куйидаги тамойилларга амал қилиш лозим деб билади: 1. Таълим ва тарбиянинг бирлиги. 2. Бериладиган билимларнинг илмийлиги. 3. Билимнинг тизимли ва изчиллиги. 4. Бериладиган билимларнинг бола ёши ва билим даражасига мослиги. 5. Боланинг билимларни онгли ўзлаштиришига эришиш. 6. Билимнинг болага моддий ва маънавий фойда келтириши [6].

Дастлаб кенг кўламда жорий этиб бошланган тадқиқотчилик методларидан кейинчалик анъанавий метод ва шаклларга қайтилиб, ижодий фолиятни такомиллаштиришда эмпирик тадқиқотларга асосий эътибор қаратилди [6].

#### Адабиётлар:

1. Игровое моделирование в деятельности педагога. М: АСАДЕМА, 2006 г. С. 362.
2. Пардабаев Ж.Э. “Ўқувчилар касб–хунар қўнималарини ривожлантиришда робототехника нинг ўрни” Фан ва жамият, 2020 йил 2-сон., 81-83 б.
3. Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009. – 448 с.
4. Инновационные педагогические технологии и организация учебно-воспитательного методического процессов в школе. 2 изд. Волгоград. Учитель. 2008.
5. Мавлонова Р., Рахманкулова Н. Бошланғич таълимда педагогика, инновация, интеграция. Ўқув кўлланма, – Т.: F.Гулом, 2013. – 270 б.
6. Ибрагимов Р. Бошланғич синф ўқувчиларни билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари.: Пед. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТДПУ, 2005. – 22 б.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бугунги кунда эвристик таълим технологиялари асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш фаолигини ривожлантириш мазмуни ва ўқувчилар интеллектуал ижодкорлигини моҳияти баён этилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье раскрыто содержание развития учебной деятельности учащихся начальных классов на основе эвристических образовательных технологий и сущность интеллектуального творчества учащихся.

#### SUMMARY

This article reveals the content of the development of educational activities of primary school students on the basis of heuristic educational technologies and the essence of intellectual creativity of students.